
Маъсулиятни унутган ота !

Фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон туманлараро судининг 18.04.2022 йилги қарздор Б.Усмоновдан ундирувчи Р.Усмонова фойдасига бир нафар фарзанди учун 1/4 қисм миқдорда алимент ундириш белгиланган.

Мазкур ижро ҳужжати бюронинг Бешариқ туман бўлими томонидан ижрога қабул қилиниб, мажбурий ижрога қаратилган.

Давлат ижрочисининг 19.04.2022 йилги қарорига асосан қарздорнинг Республикадан четга чиқиш ҳуқуқлари чекланган.

Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида, қарздор 6 ой давомида 4.855.000 сўм алимент пулини тўламаганлиги сабабли унга нисбатан тўпланган материаллар Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47⁴-моддаси билан жавобгарликка масаласини ҳал этиш учун ЖИБ Бешариқ туман судига юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Бешариқ туман судининг 21.09.2022 йилги қарорига асосан 15 сутка маъмурий қамоқ жазо чораси қўлланилди.

Қарздор Б.Усмонов фарзанди борлигини ҳис этиш учун 15 сутка қамоқ жазо чораси етарли деган умиддамиз.

МИБ Бешариқ туман бўлими

Давлат ижрочиси

Ш.Мирзалиев

2022-09-27 18:26:50